

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Андижон давлат университети
Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси
ва амалиёти кафедраси
катта ўқитувчиси А.Бадаловнинг

**Глобллашув шароитида жамиятимизнинг
маънавий юксалишига таъсир этувчи
мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш
масалалари** мавзусидаги

РЕФЕРАТИ

Андижон-2014

**МАНЗУ: Глобаллашув шароитида жамиятимизнинг маънавий
юксалишига таъсир этувчи мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш
масалалари.**

Кириш

1. Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири масалалари
2. Глобаллашув шароитида жамиятимизнинг маънавий юксалишига таъсир этувчи мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш муаммолари
- 3 Жамиятимизнинг маънавий юксалишида ғоявий -мафкуравий тарғибот самарадорлигини ошириш масалалар

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

КИРИШ

Бизга маълумки, мустақиллигимиз туфайли жуда кўп соҳаларда ютуқларни қўлга киритдик. Мустақил тараққиёт йўлининг энг муҳим ютуқлари миллий ғояни мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига тадбиқ этилиши билан боғлиқ. “Бугун биз янги ҳаёт, ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган эканмиз, замоннинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб келаётган, умрини ўтаб бўлган баъзи қарашларни тубдан ўзгартиришга, давр билан ҳамнафас бўлиб, янгича фикрлашга даъват этаётганини...”¹ ҳисобга олиш лозим. Ўзбек халқининг узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтганига тарих гувоҳ. Шунинг учун ҳам бизнинг маънавиятимиз миллатимиз билан бирга ривожланиб такомиллашиб келган. Маънавият -тақдирнинг эҳсони эмас, уни яратиш учун ақл ва қўл билан меҳнат қилиш керак. Бу бизга тарихдан маълум. Инсоният пайдо бўлибдики, маънавиятга интилиб яшаган. Ибтидоий жамоа даврида ҳам маънавиятнинг кўринишлари мавжуд бўлган.

Ҳозирги давр-дунёда ғоявий қарама-қаршилиқлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Ойнаи жаҳонда юздан ортиқ халқаро каналлар ишлаб турган мафкуравий хуружлар остида яшамокдамиз. Шундай экан, “демократия меваси” бўлмиш турли зарарли, бегона ғояларнинг кириб келишига тўсқинлик қилишнинг иложи йўқ, аммо унинг жамиятимиз, хусусан ёшларимиз онги ва қалбини заҳарлашишига қарши курашувчи куч мавжуд. Буюк рус ёзувчиси Ф.Достоевский айтганидек: “Инсоният олижаноб ғояларсиз яшай олмайди”, яъни халқимизнинг тараққий этиб ўсиши, шон-шарафга бурканиб, муваффақиятли равишда фикрлай ва ишлай олиши учун ҳаёtimиз негизда миллий ғоямиз бўлиши керак.

Бундай вазиятда ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, мустаҳкам ирода ва дунёқарашига эга бўлмаган одам гоҳ ошкора гоҳ пинҳона кўринишда намоён бўлаётган мафкуравий тазйиқларга бардош бера олмайди. Японияда пайдо бўлган “АУМ Синрикё” каби зарарли оқимлар турли мамлакатлардаги минглаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомбига айлантириб қўйгани фикримнинг далилидир.

Кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнлари жаҳон тараққиётининг ҳозирги пайтдаги муҳим хусусияларидан бири эканини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси эканини ҳам унутмаслик даркор. Миллий маънавият ва унинг таркибий қисми бўлган миллий қадриятларга барча замонларда ҳам таҳдидлар бўлган. Лекин, бу таҳдидлар XX аср ўрталарига келиб жуда кучайиб кетди, чунки худди шу даврда жаҳонда юз бераётган глобаллашув тезлашди. Аср сўнгида бу жараён яна ҳам шиддатли тус олди. XXI асрда эса глобаллашув жараёнларининг ҳам тезкор тус олаётганига мутахассислардан ҳеч бири шубҳа билдирмайди.

Мамлакатимизда мазкур фавкулудда долзарб муаммони атрофлича ўрганилмаётгани ҳали киришилмагани, бу мавзуда ёзилган мақолалар тизимли ҳолда эмаслиги кўзга ташланади. Глобаллашувнинг миллий маънавиятимиз, анъана ва маросимларимиз, ёшларимиз тарбиясига ўтказётган таъсирини ўрганишга эса жиддийроқ киришилгани йўқ. Бу соҳадаги хулосалар “сериаллар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир ўтказмоқда”, “уятсиз эпизодларни телевидениеда кўрсатмаслик керак”, - деган умумий гаплардан нарига ўтмаяпти. Ғарб мамлакатлари телевидениесигина эмас, атрофимиздаги баъзи мамлакатлар телевидениесида ҳам кўрсатилаётган ёки ғарбдан трансляция қилинаётган дастурларга солиштирсак, телевидениемиздаги ўша беҳаё деб аталаётган кўрсатувлар жуда беозор ва рисоладагидай кўринади. Бу ҳолат ўша беҳаё дейилаётган кўрсатувларнинг янги тўлқинини кутишимиз кераклигини англатади.

¹ Каримов. И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш.-Т.: Ўбекистон, 2009. –Б.22.

1. Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири масалалари.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъкидлагани каби: “Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йулини йўқотиши муқаррар”

Ғоявий, мафкуравий бўшлиқ бир кунда ва бирданига пайдо бўлмайди. Бунда муайян жараёнлар рўй бериши лозим. Яъни эски ғоя ва мафкура таназзулга юз тутиши, умрини ўтаб бўлиши, ўтмишга айланади. Масалан, собиқ иттифок мафкураси ана шундай холга тушган эди. Унинг асосий ғоялари собиқ шўролар ҳокимияти раҳбарлигида зўрлик билан амалга оширилди. Натижада бу мафкура якка ҳукмрон бўлиб қолган эди. У XX асрнинг 80-йилларида таназзулга юз тутди. 1991 йилда собиқ Иттифок тарқалиб кетиши билан узил-кесил инқирозга учради. Бунинг сабаблари нималардан иборат эди?

Биринчидан, у ўзини инсоният тафаккури эришган энг юксак чуққи, мутлақ ҳақиқат ифодаси деб ҳисоблаб, бошқа мафкураларни тан олмас, улар бизнинг душманимиз, деган ақида асосида муросасизларча иш тутар эди.

Иккинчидан, бу мафкура зўравонликка асосланган бўлиб, “мажбур қиламиз” кабилида иш тутар, унинг ғоялари ҳамма жойда, ҳамма вақт ҳеч истисно ва тўҳовсиз тарғиб қилинар, халқнинг эркин яшаши ва фикр юритишига йул қуйилмас эди. Кимки бу тартибга (аслида тартибсизлик ва ваҳшийликка) қарши чиқса, шафқатсиз жазоланар, бутун давлат механизми ана шу жазони турли шаклларда амалга оширишга қаратилган эди.

Учинчидан, бу мафкура номигагина ижтимоий гуруҳлар мафкураси эди. Аслида собиқ Иттифок даврида зиёлилар, дехқонлар, хизматчилар, қолаверса, “йўлбошчи синф” бўлган ишчиларнинг орасида ҳам бу мафкурадан норози бўлганлар бор эди. Лекин метин мафкуравий девор ортидан уларнинг овози чиқмас эди.

Тўртинчидан, бу мафкура ҳеч кимга виждон эркинлиги, ўз фикрини очик баён этиш, жумладан, хориж фуқаролари билан ҳолисона мулоқотда бўлишга ҳам йўл қўймас эди. Борди-ю кимдир шунга журъат этса, “халқ душмани”, “буржуазия малайи”га айланар эди.

Бешинчидан, у миллийликдан бутунлай холи эди. Унда мавҳум байналминаллик зўр бериб қўйланарди. Кимки миллий кадриятлар тўғрисида гап очса, дарҳол “миллатчи”га чиқариб қўйиларди. Миллий тафаккурга эга бўлган шахс, мутахассис, зиёли, олим ва бошқалар “қолоқ”, “шубҳали киши” ҳисобланарди.

Олтинчидан, унда миллий тарих, хусусан, Ўзбекистон тарихи, унинг утмиш мероси мутлақо тан олинмас эди. Нар и борса, улар кўпинча умумий тарзда қайд этиларди, ҳолос.

Еттинчидан, халқларнинг динига, диний меросига, диний кадриятларига нисбатан мутлақо нотўғри муносабат ўрнатилган эди. Жумладан, халқимизнинг улў сиймолари Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замахшарий, Имом Мотуридий, Сўфи Оллоёр каби алломаларнинг бой илмий меросини урганиш, улардан фойдаланиш тақиқланган эди.

Буларнинг барчаси большевистик-коммунистик мафкуранинг тараққиёт талабларига мутлақо зид эканини яққол намоён этди. Шу боис у янги замонавий талабларга дош беролмай, ўз давлати билан бирга тарихга айланди.

Собиқ мустабид тузум ўрнида янги мустақил давлатлар шаклланди. Ҳукмрон мафкура барҳам топгач, унинг худудида маълум муддат ғоявий-мафкуравий бўшлиқ ҳолати вужудга келди.

Хуш, аслида ғоявий бўшлиқ нима? ғоявий бўшлиқ эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишга айлангач, тараққиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илғор ғоявий тизимнинг ҳали

шаклланмаган ҳолатидир. Бундай шароитда турли мафкуралар ушбу ҳудудга ўз таъсир доирасини ўтказишга уринади.

1990 йилларнинг бошларида бундай мафкуравий бўшлиқ Ўзбекистон ҳудудида ҳам намоён бўлди. Унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат эди.

Биринчидан, ҳукмрон, яккахоким большевистик — коммунистик мафкура батамом таназзулга юз тутди ва унинг ўрни бўшаб қолди.

Иккинчидан, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қарор топган бўлса-да, унинг мафкураси ҳали тўла-тўқис шаклланмаган ва барча фуқаролар онгига сингиб улгурмаган эди. Тўғри, мустақиллик мафкураси ғоялари мамлакатимиз фуқароларининг маълум қисми онги, дунёқарашида ўз ўрнига эга бўлса-да, Президентмиз Ислом Каримов асарларида исботланган бўлса-да, аммо у ҳали тўла ҳолда барчанинг мустақил дунёқарашига, мустаҳкам эътиқодига айлана олмаган эди.

Учинчидан, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган жойда муқаррар тарзда бошқа ёт ва бегона мафкуралар ҳуружи бошланади. Ўтиш даврида, янгича қарашлар мустаҳкам эътиқодга айланиб улгурмаган пайтда ташқи мафкуравий таъсирларнинг яхши ёки ёмон, фойдали ёки зарарли эканини ҳамма ҳам фарқлай ололмайди. Ўзбекистондаги мафкура майдонига бегона, ҳалқимизнинг орзу-интилишларига мутлақо ёт ғояларнинг ҳужуми ана шу билан ҳам изоҳланади.

Тўртинчидан, мустақил мамлакатимиз тинч-осойишта яшаётган бир пайтда Афғонистон ва бошқа яқин ҳудудлардаги беқарор вазиятдан фойдаланиб, уларнинг ҳудудига ин қуриб олган баъзи бир экстремистик кучлар, террорчи тўдалар ўз жинойткорона мақсадларини амалга оширишга, Марказий Осиё минтақасини мафкуравий курашлар майдонига айлантиришга урина бошлаган эди.

Бу жинойт гуруҳлар ўзларининг ёвуз мақсадларини турли исломий, мафкуравий ғоялар билан ниқоблашга ҳаракат қилдилар. Ана шу сохта ғояларни тарқатиб, ёшларни йўлдан оздиришга интилдилар. Айниқса 80-йилларнинг иккинчи ярмидан дин ниқобидаги зарарли, ҳалқимизнинг иймон-эътиқодига тўғри келмайдиган қарашларни, ваххобийлик, хизбут-тахрир каби ҳаракатларнинг таъсирини ёйишга киришдилар. Бу ҳаракатлар 90-йилларнинг бошига келиб янада кучайди. Мамлакатимиз аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигига “ваххобийлик”, “хизбут-тахрир”, “акромийлик”, “адолат уюшмаси”, “ислом лашкарлари”, “тавба” каби турли зарарли ғояларга асосланган кучлар ва ҳаракатлар таҳдид сола бошлади.

Масалан, ваххобийлик ғояларини қисқа таҳлил қилайлик. Мамлакатимиздаги ғоявий майдонга ўрнашиб олишга ҳаракат қилган ваххобийлик диний ниқобдаги зарарли оқим бўлиб, унга XVIII асрнинг 40-йилларида Арабистон ярим оролида Мухаммад ибн Абдул-Ваххоб (1703–1792 йилларда яшаган) томонидан асос солинган. Бу таълимот IX асрда вужудга келган ханбалийлик мазҳабининг асосчиси Ахмад Абу Абдуллох аш-Шайбоний (780–855 йилларда яшаган) таълимотининг айрим тажовузкор жиҳатларини, XIV асрдаги суриялик илоҳиётчи Т.О. Таймийянинг баъзи қарашларини ўз фаолияти учун асос қилиб олган.

Ваххобийлик ислом ғояларига сиёсий тус бериб, дин номидан иш юритиб, гўёки исломни пайғамбар давридаги “асл ҳолатига қайтариш”, яъни уни тозалаш, барча мусулмонларни исломнинг яшил байроғи остида бирлаштириш каби ғояларни илгари суради. Бу мафкуранинг ижтимоий моҳияти Оллохдан бошқа барча диний ва ҳаётий қадриятларни инкор қилади. Қуръони Каримнинг муқаддаслигини эътироф этса-да, унинг тафсирини инобатга олмаслик, чориёрларни (ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон, ҳазрати Али), азиз-авлиёларни, буюк пиру валийларни тан олмаслик, муқаддас қадамжоларни бузиб ташлашни тарғиб қилишда намоён бўлади. Улар ислом динидаги мазҳаблар — ханафийлик, моликийлик, шофийлик, жаъфарийлик вакиллари кофир деб атайдилар.

Ваххобийлар Мухаммад пайғамбарнинг “кишиларга диндаги оғир, машаққатли амалларни эмас, енгил ва осонларини буюринг, уларни хотиржам қилинг, оғир амалларни буюриб, диндан кўрқитиб, чўчитиб юборманг” ёки “қули билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир”, деган ҳадисларига амал қилмайди,

аксинча, уларга зид иш тутади. Улар дунёвий маданиятни инкор қилиб, мусиқа, театр, тасвирий санъат билан шуғулланишни, ундан завқ-шавқ олишни қоралайди, бу ишларни куфр ва гуноҳи азим деб ҳисоблайди.

Ваххобийлик мустақилликнинг илк йилларидаги ғоявий бўшлиқдан усталик билан фойдаланишга интилди. Шунинг учун баъзи кишиларни араб мамлакатларида саёҳатда, хизмат сафарида, ўқишда бўлган вақтларида ўз таъсирига туширишга ҳаракат қилди. Шундан сўнг, дастлаб жойлардаги масжидларнинг имом-хатиблиги учун, кейинроқ эса мамлакат диний идорасининг нуфузли лавозимлари учун курашди, ислом сиёсий партиясини тузишга ҳаракат қилди. Аста-секин Ўзбекистонни ислом республикаси деб эълон қилиш, минтақамизда халифаликни тиклаш режасини амалга оширмоқчи бўлдилар. Улар ўтган йилларда қонли жиноятлар, тартибсизликлар содир этдилар. 1999 йил 16 февралдаги Тошкент портлашларида ҳам уларнинг қўли бор эди. 1999 ва 2000 йиллар давомида мамлакатимиз чегара ҳудудларида содир этилган террорчилик ҳаракатларида қатнашдилар, Ўзбекистон давлати, Ўзбекистон Республикаси конституциясига қарши тажовузлар уюштирдилар.

Хизбут-тахрир ҳам собиқ мафкура таназзулга юз тута бошлаган даврлардан бошлаб, ғоявий бўшлиқ шароитида муайян кишилар онги, дунёқарашига таъсир ўтказа бошлади. Унга ислом сиёсий партияси сифатида 1950–1953 йилларда Ливанда Такийюддин Набахоний асос солган. У ҳозирги вақтда бу ҳаракатга Абдулқадим Заллум деган киши раҳнамолик қилмоқда. Жами 30 дан зиёд ислом мамлакатада норасмий фаолият юритаётган бу партиянинг асосий мақсади — халифаликни тиклаш, бугунги дунёвий давлатчилик асосларини йуқ қилиш, демократия принципларини рад этиш, қонун устуворлиги урнига шариат ақидаларини жорий этиш, сайлов тизимини инкор қилишдан иборат.

Хизбут-тахрир ҳам 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда гуё ғоявий бўшлиқни тўлдириш учун ҳаракат бошлади. Мақсад — бизнинг минтақамизда ўзининг сиёсий, ғоявий, мафкуравий жихатдан узоқни кўзловчи мақсадларига эришиш, таъсир доирасини кенгайтириш, одамларнинг қалби ва онгини забт этиш эди. Хизбут-тахрирчилар ғоявий бўшлиқ шароитида аҳолининг маълум қисми, аввало, ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган, содда ёшларга ислом дини, унинг ибодат амаллари, Қуръони Каримни ўргатиш, турли диний манбалардан сабоқ бериш баҳонасида ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилди. Улар одатда 3–4 кун исломни ўргатиб, кейин асл мақсадга утади. Хизбут-тахрирчилар “Ислом низоми”, “Исломда бошқарув низоми”, “Исломда иқтисодиёт низоми”, “Хизбий уюшма”, “Хизбут-тахрир тушунчалари”, “Исломий давлат”, “Исломий шахсият”, “Хизбут-тахрирнинг сиёсий қарашлари”, “Дастур муқаддимаси”, “Халифалик”, “Халифалик қандай тугатилди?”, “Укубатлар низоми”, “Тафкир”, “Зийраклик суръати”, “Исломий фикр”, “Демократия — куфр низоми”, “Халифалик давлатида мол-мулклар”, “Сабр”, “Иzzат ва шараф сари” каби укув дастурлари, китоб ва рисоалари, “Ал-Ваъй”, “Онг” журнали, кўплаб варақалари орқали халифачилик ғоясини ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилади.

Хизбут-тахрирчилар кўпроқ диний таълим олган ёшларни ўз йўлига оғдиришга ҳаракат қилди. Кейин эса уларнинг сафини ёшларнинг бошқа гуруҳларига мансуб вакиллари билан тўлдиришга интилди. Нихоят, вақти келиб, уларни исломий билимларгагина эмас, террорчилик ҳаракатлари учун ҳам тайёрлай бошлади. Бундай зарарли ғоя, мафкура ва қарашлар билан қуролланган ёшлар Афғонистон ва Покистон ҳудудида, қўшни давлатларнинг баъзи туманларида дунёвий давлатнинг ашаддий душмани сифатида тайёрланди. Уларнинг кучи билан турли қўпоровчилик ишлари, жанг-жадаллар режалаштирилди. Натижада 1999 йил 16 февралдаги портлашлар, 2000 йилда эса Бўстонлиқ, Сариосиё, Узуннинг тоғли ҳудудларидаги қуролли ҳуружлар содир этилди. Бундай ёвуз ҳаракатлар ён қўшнимиз Афғонистон ҳудудидан паноҳ топган вайронкор кучлар, бошқа узоқ-яқин мамлакатлардаги экстремистик гуруҳлар, Усама Бен Ладенга ўхшаган ашаддий террорчиларнинг молиявий ва ғоявий қўллаб-қувватлаши ҳамда раҳнамолиги остида амалга оширилди.

Улар ўз ниятларини амалга оширишда “дўстлик”, “диндошлик”, “миллатдошлик” тушунчаларини ҳам ишга солади. Керак бўлганда моддий ёрдам ҳам курсатади. Масжидлар куриб бериб, исломий адабиётлар билан таъминлаб, ўзларини ҳақиқий диндор, ҳақиқий мусулмон қилиб кўрсатишга интилади. Аммо разил ниятларини барибир ошкор этадилар, турли кўпоровчилик, тезкор ишларига сабаб бўладилар. Ваххобийлик, хизбут-тахрир каби зарарли оқимлар мустақилликнинг дастлабки йилларида содир бўлган ғоявий бўшлиқдан устамонлик билан фойдаланишга интилган бўлса-да, лекин барибир мақсадларига эриша олмади.

Хўш, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида айрим юртдошларимиз нима учун зарарли ғоя ва ёт мафкуралар таъсирига тушиб қолди?

Бу ҳолатнинг моҳияти Президент Ислом Каримов асарларида тўла-тўқис очиб берилган. Бу асарлардан масаланинг мазмун-моҳиятини чуқур ва атрофлича урганиш зарур.

Биринчидан, собиқ мустабид мафкура барбод бўлганидан кейинги дастлабки йилларда миллий ғоя, истиқлол мафкураси тўлиқ шаклланиб, одамларнинг қалби ва онгига сингиб улгурмаган эди. Натижада эътиқоди бўш, содда ва ишонувчан одамлар билиб-билмай нотўғри йўللارга тушиб қолдилар.

Иккинчидан, мустақил Ўзбекистон эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида бир қатор табиий қийинчиликларга дуч келди. Инсоният тарихидан маълумки, ўтиш жараёнида қийинчиликлар бўлиши қонунийдир. Жумладан, иқтисодий соҳада ҳам қийинчиликлар бўлиши муқаррар. Бундай пайтда сабр-қаноатга ўрганмаган, енгил йўл билан яшашга кўниккан айрим кишилар маълум қийинчиликларга дуч келгач, ўз турмуш тарзини янгилаш учун осон йўл ахтарди. Улар аксарият ҳолларда адашиб, нотўғри йўллارга кириб қолади. Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига енгил йул билан бойишни хоҳловчилар ҳам шундай гуруҳларга қўшилиб қолиши мумкин.

Учинчидан, бугунги кунда ёшларнинг ҳаммасини ҳам сердаромад иш билан таъминлаш имкони йўқ. Улар дипломи, маълумоти бўлса ҳам, баъзан кўнгилдагидек ишни топа олмайди ёки кам иш ҳақи олиб ишлашни хоҳламайди. Бунинг натижасида яна осон йўл ахтариб нотўғри, ёмон, салбий ҳаракатларга қўшилиб кетиши ҳам мумкин.

Тўртинчидан, зарарли ва ёт мафкура вакиллари халқимиз, айниқса, фарзандларимизнинг кўнгли очик, соддадил, ишонувчан, диний қадриятларга интилиш туйғусидан усталик билан фойдаланмоқда. Бундай шароитда айрим соддадил одамлар “мана энди даҳрийликдан қутулдик”, деган ҳаёллар билан диннинг асл моҳияти билан диний ниқобдаги экстремизмни ажрата олмай қолди. Шу билан бирга ислом амалларини яхши билмаган айримлар ота-боболаримизнинг муқаддас динини ўрганамиз, деб, ваххобийлик, хизбут-тахрир каби турли зарарли ғоя ва оқимлар таъсирига тушиб қолдилар.

Бешинчидан, собиқ тузум даврида кўплаб ташкилотлар зўрлик орқали мажбурий бўлсада, мунтазам тарғибот-ташвиқот олиб борар эди. Лекин, мустақиллик даврида уларнинг ўрни муайян даражада бўшаб қолди ва бу вазифани дастлаб ҳеч қайси ташкилот бажармади. Кейинчалик ташкил этилган “Маънавият ва маърифат” маркази ва бошқалар эса етарли даражада самарали фаолият юритолмади. Натижада ҳар бир фуқаро имкони борича ўз дунёқарашини ўзи мустақил шакллантириши зарур бўлиб қолди. Бунга қодир бўлмаган айримлар зарарли ғоялар таъсирига берила бошлади. Айниқса, ёшларни уюштириш, истиқлол ғоялари йўлида фидойи этиб тарбиялаши лозим бўлган “Қамолот” жамғармаси фаолияти ҳам истиқлол талабларига жавоб бермас эди. Натижада кўплаб ёшлар истиқлол ғояларига асосланган тарбиявий жараёнлардан четда қолиб кетди.

Шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳада етарли иш олиб бормагани, ижтимоий фанларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолгани, жамият рухияти ва тафаккурида рўй бераётган мураккаб жараёнлар ўз вақтида илмий ечимини топмагани, одамларга мафкуравий жихатдан тўғри йўл кўрсатишга қодир бўлган шахслар, диний уламоларнинг етарли эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлди.

Хуллас, умрини ўтаб бўлган ғоя, ақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилиши натижасида ғоявий бўшлиқ вужудга келар экан, турли мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга: “Мен кўхна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий”. Ғоявий, мафкуравий таҳдид кучайган жойда аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган уринишлар кучайиб боради.

Айниқса, дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган, катта молиявий ва мафкуравий таъсир кучига эга булган баъзи ғоявий марказлар ана шундай вазиятдан фойдаланиб, ўз ёвуз ниятларини амалга ошириш йўлида кечаю кундуз ҳаракат қилмоқда.

Халқаро террорчи ва экстремистларнинг нияти аниқ. Улар истиқлол йўлидан бораётган Ўзбекистондаги ғоявий бўшлиқни ўз ғоялари билан тўлдириб, мамлакатимиз ҳудудидаги бекиёс бойликларга эгалик қилиш, халқимизни ўз сиёсати, ўз ҳукмронлигига бўйсундиришни, энг ёмони, мана шу муҳим геополитик майдонни ўз таъсир доирасига олишни орзу қилмоқда.

Мана шундан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизга қарши қаратилган мафкуравий таҳдидларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагилардан иборат:

- ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;
- ёш мустақил давлатларни қайтадан собиқ Иттифокқа бирлаштириш ғояси;
- тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;
- ахлоқсизликни ёйиб, халқни маънавий жихатдан бузишга қаратилган интилишлар;
- турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можаролар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан асраш, жамиятимиз аъзоларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун, аввало, уларни миллий ғоя, истиқлол мафкураси билан қуроллантириш зарур эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда эски мафкура асоратларига, қуруқ сафсатабозликка, халқимиз манфаатларига зид бўлган собиқ сиёсий ва мафкуравий тузилмаларга барҳам берилди. Ижтимоий адолат, ҳавфсизлик, ижтимоий муҳофаза, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини, қонуннинг устуворлигини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилди. Жамиятдаги соғлом ижтимоий-сиёсий муҳитни бузадиган, одамлар фикрини чалғитадиган ноҳуш ҳолатларга барҳам берилди. Мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида бирлашиш, ҳамжихат бўлиш, барча имкониятлардан эҳтиросларга берилмай, ақл-идрок билан фойдаланиш йўли тутилди.

Лекин мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятимизда маънавий покланиш зарурати сезилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шундай шароитда биринчи бўлиб жамиятда маънавий покланиш учун эски ақидалардан ҳалос бўлиш лозимлигини кўрсатиб берди, кейинчалик эса миллий истиқлол мафкурасини яратиш заруратини асослади ва жамиятимиз эътиборини унга қаратди.

Шўролар мафкураси кишилар онгига ижтимоий тенглик, бугунги таъбир билан айтганда, боқимандачилик тушунчасини сингдириб кетган эди. Бундай кайфият одамнинг ташаббусига йўл бермас эди. Чунки инсон ўз меҳнат маҳсулидан манфаатдор бўлмаса, унда ҳалол ишлаш, масъулият туйғуси йўқолади. Бундай иллатдан эса миллий истиқлол мафкураси воситасида ҳалос бўлиш мумкин. Ўзбекистонда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон барпо этиш ғояси асосида миллий истиқлол мафкураси ишлаб

чиқилди. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари Ислом Каримов асарларида ўз аксини топди, назарий жихатдан исботланди.

Миллий ғоя, истиқлол мафкураси ижтимоий таракқиёт ривожига қараб такомиллашиб, янгилашиб боради. Давр талаби билан ўртага ташланган муайян қоидалар ўз вазифасини ўтаб бўлиб, ўрнини янада долзарброқ бошқа хусусиятларга бўшатиб беради. Миллий истиқлол ғояси айна ана шундай доимий янгилиниш маҳсули, онг ва тафаккур ҳосиласи ҳисобланади.

Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни буюк давлатга айлантириш ҳақидаги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, фалсафий, илмий, экологик, диний, демографик тарихий қарашлар йиғиндиси бўлиб, Ўзбекистон халқини истиқболга юксак ишонч, иймон-эътиқод руҳида тарбияловчи ғоят қудратли маънавий қурол, ғоявий омил ҳисобланади. Ана шу сабабдан ҳам мамлакатимиз ҳудудини ёш мафкуралар полигонига айланишига йўл қўймай, Ўзбекистон халқининг онги, дунёқарashi, ҳаётга ижтимоий муносабати, хатти-ҳаракатларида мафкуравий иммунитетни шакллантириб, миллий истиқлол мафкурасини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдириш, бугунги кундаги муҳим вазифадир. “Бунинг йўли – одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир”.

Мафкуравий курашлар кучайган бугунги кунда ёшлар қалбида она-Ватанимизга, бой тарихимизга, миллий қадриятларимизга, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилимизга, ота-боболаримиздан мерос муқаддас динга соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, уларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, юртбошимиз айтганларидек, бирор бир касалликни даволашдан олдин инсон организмида аввало унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам ёшларимиз қалби ва онгида зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантира оласак, турли хил “даъватчи”ларнинг алдовларига учмайдиган, ўз юрти, Ватани ва халқи учун фидойи инсонларни тарбиялай оламиз.

Хуллас, миллий истиқлол ғоясини меҳнаткашлар онгига сингдириш орқали уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш замон амри, давр талаби. Бу бир зумда амалга ошириладиган жараён эмас. Бунда ҳар бир кишининг фаоллиги, омилкорлиги талаб этилади. Унинг амалга оширилиши эса Ўзбекистонимизнинг салоҳиятини янада оширади, келажаги буюк давлат барпо этилишини таъминлайди, одамларимизнинг эътиқодини мустаҳкамлайди.

2. Глобаллашув шароитида жамиятимизнинг маънавий юксалишига таъсир этувчи мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш муаммолари

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида мафкуравий омилларнинг сезиларли таъсири мавжудлигини бир қарашдаёқ сезиш мумкин.

Дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормокда. Масалан, интернет тизими орқали ахборот алмашинуви, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир.

Бирор-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг мафаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамокда. Шу маънода, “глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”¹, - деб таъриф беради Президентимиз.

XX асрнинг 80-90 йиллари ва XXI аср бўсағасига келиб дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди, икки қутбли дунё барҳам топди. Нисбий мувозанат бузилди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган социалистик лагер тарқалиб кетди.

Унинг энг катта ва тоталитар тузум бўлган асосий давлати-собиқ иттифок ўтмишга айланди. Бу давлатнинг ўрнида мустақил давлатлар юзага келди. Бу давлатлар ўз миллий давлатчилиқ анъаналарини тиклади.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний кадриятлар ва демократик томоийилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устивордир.

Бу томоийилларга асосланган эзгу ғоялар умуминсоний манфаатлар орзуси бўлган ёруғ келажак учун хизмат қиладди.

Шу билан бирга минг афсуски, ҳозирги вақтда дунёнинг мафкуравий манзарасида турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажавузкор миллатчилиқ, шовинизм, неофашизм, ирқчилиқ, диний экстремизм каби сиёсий, кучлар ва оқимлар ҳам бор. Бундай ғайриинсоний, бугунги ғоялар халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтириб, инсониятнинг тинчлиги, осойишталигини бузиб, одамлар онига турли балолар ёғдирмоқда. Афғонистонда 25 йилдан ортиқ давом этаётган биродар қушлиқ уруши, Болқон минтақасида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ҳалигача эришилмагани ана шундай бугунги ғояларнинг таъсири оқибатидир.

XX аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб бордики, бу жараёндан ўзини тўла ажратиб олган бирорта давлат йўқ деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Ҳаттоки халқаро ташкилотлардан узокроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас.

Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса қўпинча салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шундай жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим.

Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисодиёти ва

¹ И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т., “Маънавият”. 2008. 111-б.

маданияти, маънавиятини “тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимиға бошқарувсиз қайикни топшириб қўйиш” билан баровар бўлар эди.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказётган тадқиқотлар таҳлили бу соҳадаги ишлар эндигона бошланаётганидан гувоҳлик беради.

Глобаллашув миллий маънавиятга ҳам таъсир ўтказади. Ҳар қандай сиёсат, жумладан, иқтисодий сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлгандагина мувоффақият келтиришини назарда тутсак, бу масалалар олимларимиз сиёсатчиларимизга етарли кўмак беришларини эътироф этишга тўғри келади. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва мувоффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараёни таҳлил қилиш орқали сиёсатчиларнинг тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратиш мумкин.

Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир.

Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани, француз тадқиқотчиси Б. Бандининг таърифи ҳаётлидир.

а) Глобаллашув-муттасил давом этадиган тарихий жараён.

б) Глобаллашув-жаҳоннинг гомогенлашуви (юн.хонкодeнс таркиби, келиб чиқиши жиҳатидан бир хиллик, бир жинслик) ва универсаллашуви жараёни;

в) Глобаллашув-миллий чегараларнинг “ювилиб кетиш” жараёни.

Глобаллашувнинг уччала ўлчовига ҳам эътироз билдириш мумкин. Бироқ жаҳондаги жараёнларни кузатсак буларнинг уччаласини ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Гандининг куйидаги сўзларида яхши ифодаланган. “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан қираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман.”

Шу боис миллий истиқлол ғояси бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айни пайтда, “довуллар”дан сақлаш омили эканлигини англаш муҳим.

Ҳозирги замон глобаллашув жараёни ўта мураккаб ҳодиса. Унинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказётган таъсири яна ҳам мураккаб бўлгани сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонда бир-бирига нисбатан рақобатда бўлган икки гуруҳ; глобаллар ва аксилглобаллар гуруҳлари вужудга келди.

Глобаллашув тарафдорлари глобалистлар деб аталади. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ учрайди.

Глобаллашув мухолифлари эса аксилглобалистлар номини олган бўлиб, улар орасида кўпроқ сўл кучлар, қасаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари бор. МДҲ ҳудудида аксилглобалистлар Россия Федерацияси ҳудудида фаол ҳаракат олиб бормоқдалар, улар турли анжуманлар, семинарлар ўтказиш учун тўпланиб турадилар.

XX аср ўртасида глобаллашувнинг ташкиллашуви кучайгандан кейин бу жараённинг ўзи ҳам кескин тезлашди ва шиддатли тус олди. Бу ташкиллашувнинг кучайганини Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёти ва тикланиш банки ташкилотларининг вужудга келгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашувнинг тезлашиши ва кучайишига жавоб сифатида аксилглобалистларнинг фаолияти ҳам кучайди. Улар глобаллашувнинг салбий оқибатларига эмас, умуман унинг ўзига ҳам қарши чиқа бошладилар.

Масалан, Россиялик файласуф ва ёзувчи А. Зиновьев “Аксилглобализм векторлари” номли анжуманда сўзлаган нуткида шундай дейди. “Глобаллашув янги

жаҳон урушидир. У янги типдаги жаҳон уруши. Бу урушда тирик қолишнинг қаршилик кўрсатишидан бошқа йўлини кўрмаймиз. Фақат қаршилик! – деган эди.”

“Глобаллашув”ни фақат салбий ҳодиса сифатида баҳолаш ва унга қарши туриш ижтимоий ҳаётдаги турли хил табиий, ижтимоий боғлиқликларни инкор этишга олиб келиши мумкин. Глобаллашув жараёни “мафкуралашидан”, унинг мақсадларидан холи бўлиши керак.

Шу нарса маълумки, глобализм тарафдорлари ҳам, душманлари ҳам асосий эътиборни иқтисодиёт соҳасига қаратишади.

Глобаллашувнинг маънавиятга таъсири ва маънавий глобаллашув масалалари социология, фалсафа, маданий антропология фанларида ўзининг аксини етарли даражада топиши керак.

Маънавиятни бир уйга тўпланган бойликка ўхшатсак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёш ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чораларини кўришимиз табиий. Четдан ўтказиладиган мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қандай таъсирларни маъқуллаш лозиму, қандайлари рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда бирорта ҳам миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан ажратилган бўлсин.

Ҳатто Австралия чакалакзорлари, Африка соваиналари ва Жанубий Америка чакалакзорларида турмуш кечириётган қабилалар ҳам қўшни қабилалар ва замонавий томондан таъсирини ўзида ҳис қилиб туради.

Глобаллашув борган сари тезлашар экан, унинг хусусиятлари ўрганилса, вужудга келтираётган ва келтириши мумкин бўлган оқибатлари ҳисобга олинмаса, у иқтисодиётга ҳам, ижтимоий соҳа ва айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Глобаллашувнинг моҳиятини англаш учун унга берилган таърифларга мурожаат қилиш зарур. Бу берилган таърифлар жуда хилма-хил уларнинг деярли барчаси учун умумий бўлган жиҳат шундаги, дунёданҳи турли мамлакатлар, давлатлар, минтақалар, орасидаги иқтисодий ва маънавий ўзаро таъсир кучайиб бормоқда. Мана шу ҳолатни кўпчилик эътироф этиш билан бир пайтда, у келтириб чиқарадиган оқибатлар тўғрисида талқинлар мавжуд.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлиги таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин. **Диний ақидапарастлик** шулар жумласидандир. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлик ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларининг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб уларнинг ягона халифалик остида сиёсий бирлашуви ғоясини асослашга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, бу идеология диний асосда бирлашув ғоясини биринчи ўринга қўяди. У диний-маънавий заминдаги уйғунлик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник соҳаларидаги ҳамкорлигига, улар салоҳиятининг бирлашишига ва халқлар тараққиётига йўл очса, бунинг нимаси ёмон деган саволни ўртага ташлайди. Бундай мафкура тарафдорлари ўз қарашларини аксарият ҳолларда ана шундай “беозор” шаклда тақдим этишга ҳаракат қиладилар.

Аммо, жиддий эътибор бериладиган бўлса, биринчидан, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётганлари маълум бўлади.

Иккинчидан, халифаликни тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймаслигини

яширадилар. Бу ғояни тикиштиришда улар бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида урғу берадилар.

Тўғри, биз мусулмон халқимиз. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, бундай кучлар ана шу реалликни тан оладилару, ўз тарихимиз, тилимиз, бетакрор маданиятимиз жаҳон халқлари ўртасидаги ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлимиз борлигини инкор этишга ҳаракат қиладилар. Албатта, бу ҳақиқатни тан олиш-олмаслик уларнинг иши. Аммо ўзларининг бундай ғайриилмий қарашларини кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдиришга ҳаракат қилаётганликларига бефарқ қараб бўлмайди.

Бундан ташқари, бу оқим тарафдорлари халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги қарама-қарши кутбларга бўлиниб кетишига, баъзан “цивилизациялар тўқнашуви” деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринмоқда.

Бугунги кунда халқларнинг лисоний бирлигига таянган ҳолда уларнинг маънавий-маърифий бирлигини таъминлаш байроғи остида тақдим этилаётган ғоялар ортида ҳам аслида ғаразли мақсадлар яширинганлигини унутмаслик лозим. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек "... Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур"¹.

Оламнинг бугунги кундаги мафкуравий манзараси ҳақидаги мулоҳазалар якунида нима дейиш мумкин? Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини кўлга киритган, демократик ҳукукий давлат, эркин фуқаролик жамиятнинг асосларини яратётган мамлакатимиз учун ҳам муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ. “Мен,-деб ёзади Президентимиз,-Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласиди.” Деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир”².

3. Жамиятимизнинг маънавий юксалишида ғоявий-мафкуравий тарғибот самарадорлигини ошириш масалалари.

Бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош масаласидир. Шунинг учун ҳам ер юзини турли минтақа халқларининг онги ва қалби турли ғояларни сингиш майдонига, мафкуравий полигонга айлантирилмоқда.

Ана шундай шароитда халқнинг барча қатламларига берилаётган билимлар объектив воқеликни тўлиқ ва тўғри акс этириши, жамият тараққиётига “Ватан ва халқ манфаатларига, кадриятларни сақлашга хизмат қилиши лозим”

¹ И.А.Каримов. "Озод ва обод ватан. Эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз." Т. "Ўзбекистон" 2000 йил 36 бет).

² И.А.Каримов. жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон, 1998, 17-б.

Билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида вужудга келган қадриятлар ҳам шунчалик устивор бўлади. Уларни эгаллаган одамлар мафкуравий тажовузларга зарба бера оладилар.

Ғоявий мафкуравий бўшлиқ эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишига айлангач, тараққиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илғор ғоявий тизимнинг ҳали шаклланмаган ҳолатидир. Бундай шароитда турли мафкуралар ўз таъсирини ўтказишга уринади.

1990 йилларнинг бошларида бундай мафкуравий бўшлиқ Ўзбекистон ҳудудида ҳам намоён бўлди.

Унинг хусусиятлари қуйидагича:

Биринчидан ҳукмрон, яққаҳоким большевистик-коммунистик мафкура батамом таназзулга қўл тутди ва унинг ўрни бўшаб қолди.

Иккинчидан, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қарор топган бўлса-да, унинг мафкураси ҳали тўла-тўқис шаклланмаган ва барча фуқаролар онгига сингиб улгурмаган, барчанинг эътиқодига, мустақил дунёқарашига айланмаган эди.

Учинчидан, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган жойда муқаррар тарзда бошқа ёт ва бегона мафкуралар ҳуружи бошланади. Ўтиш даврида янгича қарашлар мустаҳкам эътиқодга айланиб улгурмаган пайтда ташқи мафкуравий таъсирларнинг яхши ёки ёмон, фойдали ёки зарарли эканини ҳамма ҳам фарқлай олмайди.

Ўзбекистондаги мафкура майдонига бегона, халқимизнинг орзу-интилишларига мутлақо ёт ғояларнинг ҳужуми ана шу билан ҳам изоҳланади.

Тўртинчидан, мустақил мамлакатимиз тинч-осойишта яшаётган бир пайтда Афғонистон ва бошқа яқин ҳудудлардаги беқарор вазиятдан фойдаланиб, уларнинг ҳудудига ин қуриб олган баъзи бир экстремистик кучлар, террорчи тўдалар ўз жинойткорона мақсадларини амалга оширишга, Марказий Осиё минтақасини мафкуравий курашлар майдонига айлантиришга урина бошлаган эди.

Бу жинойт гуруҳлар ўзларининг ёвуз мақсадларини турли исломий мафкуравий ғоялар билан ниқоблашга ҳаракат қилдилар. Айниқса, 80-йилларнинг иккинчи ярми, 90-йилларнинг бошларига келиб дин ниқобидаги зарарли, халқимизнинг иймон-эътиқодига тўғри келмайдиган қарашларни “вахҳобийлик”, “ҳизбут таҳрир”, “акромийлик”, “адолат уюшмаси”, “ислом лашкарлари”, “тавба” каби ҳаракатларнинг таъсирини ёйишга, ёшларни йўлдан оздиришга интилдилар.

Миллий ғоя жамиятни жипслашувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шу ғояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради. Аслида глобаллашув бўлмаганда миллий ғояга ҳам эҳтиёж ошмас эди.

Чунки, глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривожланар эди. Ташқи таъсир ва таҳдидни йўқлиги миллий ғояга ҳам эҳтиёжни зарур қилмаган бўлар эди.

Миллий истиқлол ғояси одамлар онгида, хотирасида ғоялигича қолмай, одамлар билан ҳаракатда бўлиб, амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи носоғлом ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади. Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз онги ва қалбига сингдиришнинг усуллари, йўналишлари ва омиллари ишлаб чиқилган. Бунинг учун даставвал ғоя бевосита амалиётга айланиши мумкинми? деган саволга жавоб бериш керак.

Ҳозирги психология, ижтимоий психология ва бошқа ижтимоий гуманитар фанлар нуқтаи назаридан “айланмайди” деб жавоб бериш керак.

Чунки инсон онгидаги юзлаб, баъзан эса минглаб ғоялар бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам амалиётчи бермайди. Инсон ахлоқий, диний, сиёсий, илмий, бадиий ғоялардан ўзича учун энг мақбулини танлаб унга амал қилади.

Эътиқод шахс онгида муҳим ўрин тутади, инсонни ҳаёт йўналиши, ҳаёт тарзи, интилишлари унинг шахсий эътиқоди билан белгиланади. Инсон онгига йўл топаётган ғоялар ҳам шу эътиқод чиғиридан ўтади.

Эътиқодга мос келмайдиган ғоялар рад этилади. Ғоя ва эътиқод алоқадорлиги бир томонлама эмас. Шундай ҳолатлар ҳам бўлар эканки инсон онгига кириб келаётган ғоя эътиқодни ҳам ўзгартириб юбориши: уни кучсизлантириши ёки кучайтириши ҳатто унинг ўзи эътиқодга айланиши мумкин.

Мустақиллик қўлга киритилгач, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳада ислохотлар бошланди ва бу соҳада кўп ишлар қилинди. Собиқ тоталитар тузум сарқитларини инсон онгидан суғуриб ташлаш учун кучли маънавий қурол керак. Бу вазифани миллий истиқлол ғояси амалга оширади.

Жамиятда ғоянинг эътиқодга айланиши унинг амалиётга ўтишидаги муҳим босқичдир. Шахс ўз эътиқодига айланган ғояни рўёбга чиқариши учун ҳаракат қила бошлайди. Эътиқод қанчалик кучли бўлса, шахс уни амалга ошириш учун шунчалик эҳтирос билан ҳаракат қилади, бу йўлда у ҳеч нарсадан қайтмаслиги мумкин. Юртимиз тарихида озодлик ғоясини эътиқод қилган ижобий сиймоларни биламиз.

Мустақилликни ҳам озодликка ўхшатиш мумкин. Мустақилликсиз озодлик бўлмайди ва озодликсиз мустақилликка эришиб ҳам бўлмайди.

Мустақиллик ғоясини фақат тарғиб қилиб, маърифий йўл билан таъсир этиш чекланиб қолиш ярамайди. Уни талаба ёки тингловчи ўзлаштириб олиши мумкин, аммо эътиқодига айлантирмаслиги ҳам мумкин.

Ғоявий эътиқоднинг отаси билан онаси эса ҳис-туйғусида буларсиз ғоявий эътиқод ҳам йўқ. Диний эътиқод шаклланиши учун дин арконлари тўғрисида чуқур билим бўлиши шарт эмас. Диндорларнинг кўпчилигида чуқур диний билим йўқ, улардаги эътиқод билимдан уламоларнинг эътиқодидан кучлироқ бўлиши мумкин.

Бунинг сабаби, диний эътиқод билимни инкор этмайди, лекин унда эҳтирос устиворлик қилади. Дин бўйича кўп билимга эга одамнинг эътиқоди суст ва аксинча, оз билимга эга бўлган одам кучлироқ эътиқодга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун илм – маърифатга амал қилиш эътиқодни мустаҳкамлайди.

Илмга амал қилмаган мулладан бешак, афзалдур устига китоб ортилган эшак деганда Шайх Саъдий билимдон, лекин эътиқодсиз муллаларни назарда тутган эди.

Ишонч ва эътиқоднинг мустаҳкамлиги кишиларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларига, маданий мероси, урф-одатлари, анъаналарини, тили, тарихини ҳурмат қилиши, унга бўлган эътиқоди ва садоқати орқали намоён бўлади. Шунда у миллатни глобаллашув жараёни билан боғлиқ бўлган айрим таҳдирлардан сақлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
Президент И.А.Каримов асарлари:

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият. 2008.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т: Ўзбекистон, 2011.
3. И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш мажмуаси. Т.:и ТДИУ, 2011.
5. Каримов И.А. “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир”. –Тошкент, Ўзбекистон, 2012,

Махсус адабиётлар

11. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. –Т.: Ижод дунёси, 2002.
12. Миллий истиқлол ғояси. Олий ўқув юрлари учун дарслик. –Т.: Академия, 2005.
13. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онига сингдириш, омиллари ва воситалари. –Т.: Ижод дунёси, 2002.
14. Ш.Хаитов. Мурса ва Ўзбекистонда фалсафа тарихига кириш .Т. : Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2010 .
15. Н.Жураев. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Т. : ”Маънавият“ 2008.
16. Баркамол авлод орзуси. Т.: «Шарқ»,1999.
17. Миллий истиқлол Ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2001.